

ADABIYOT VA ZAMON

Ижтимоий-маърифий, бадий газета

2023 йил 25 НОЯБРЬ,
ШАНБА № 22 (22)

СИРДАРЁ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Ўзбекининг ўзлигини намоён этадиган қадриятлари жуда кўп, ана шундай қадимий қадриятларимиздан бири кураш спорт туридир. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан ўзбек кураши жаҳонга юз тутди. Бугун ер юзининг жуда кўплаб жойларида ушбу спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Яқин кунларда вилоятимизда белбоғли, бел олиш ва уч кураш бўйича дунё биринчилиги ўтказилди.

та медаль гилам эгалари — сирдарёлик курашчилар хиссасига тўғри келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, белбоғли кураш сўнгги йилларда дунё халқлари орасида ривожланиб бормоқда. Эрон, Тожикистон, Озарбайжон ва Грузия давлатлари полвонларининг маҳорати ошиб бораётганлиги жаҳон чемпионатида кўзга ташланди. Ушбу давлатлар вакиллари совринли ўринлари қўлга киритдилар.



Жаҳоннинг 14 та давлатдан таширф буюрган 208 нафар полвоннинг чиқишларини воҳамиздаги мухлислар диққат билан кузатиб бордилар. Қизғин ва мурасасиз олишувларда ғолиблар ҳам бўлди, мағлублар ҳам бўлди, муҳими полвонлар ўз кучларини яна бир карра синовдан ўтказдилар.

Чемпионатнинг дастлабки кунда уч кураш мусобақаси ўтказилиб, ғолиблар аниқланган бўлса, чемпионатнинг иккинчи кун мухлису-мутахассислар белбоғли кураш беллашувларига гувоҳ бўлишди. Мусобақада энг кўп медаллар шодаси — 8 та олтин, 7 та кумуш, 4 та бронза жами 19

Жаҳон чемпионатининг кунда бел олиш ва ҳалқа йўналишларида ғолиблар аниқланди. Юқори вазнли полвонлар ўртасидаги бел олиш финал учрашувида сирдарё полвони Бахтиёр Жумабоев финалда эронлик рақибини мағлубиятга учратди.

Ҳалқа йўналиши бўйича кечган оғир вазнли курашчилар ўртасида ҳам олтин олтин медаль козоғистонлик рақибини енгган сирдарёлик полвон Исрол Носировга тегишли бўлди.

Гулистон шаҳри мезбонлик қилган навбатдаги жаҳон чемпионати воҳамиз мухлисларига ажойиб совға бўлди.

Алишер НУРБОЕВ

САЙЁР ҚАБУЛ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш МДП Сирдарё вилоят Кенгаши депутатлари томонидан вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ўтказилиб келинаётган сайёр қабулларда фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий тикланиш МДПдан Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Ҳкматилло Маматқулов Гулистон туманидаги “Баҳмал” МФЙ биносига навбатдаги ўз сайёр қабулини ўтказди. Сайёр қабулда фуқаролар тиббий хизматлардан имтиёзли фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, қиш мавсумида табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминланиш, тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни бар-



тараф этиш, йўлларнинг аҳволи каби масалалар бўйича 15 дан зиёд мурожаатлар келиб тушди ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга белгиланган муддатлар асосида топшириқлар берилди ва келгуси сайёр қабулда мазкур масалаларга яна бир бор қайтилиши белгилаб қўйилди.

Ҳа, халқ билан очик мулоқот қилиш, аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларни қийнаётган дард ва муаммоларни имкон даражасида жойида ҳал этиш партиямиз депутатларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Аслиддин ҚЎШБОҚОВ

ЮНИСЕФ ВА ГАВИ ҲАМКОРЛИГИДА

Яқинда, Боёвут туманида тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш лойиҳаси бўйича халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамда GAVI (вакцина ва иммунизация бўйича глобал альянс) кўмағида 1 миллиард 700 миллион сўм маблағи эвазига утилизация маркази барпо этилди.

Марказнинг очилишига бағишланган тадбирда Республика СЭНМ бошлигининг биринчи ўринбосари Отабек Нурматов ушбу фойдали ва самарали ишнинг аҳамияти хусусида гапирди. Шунингдек, тадбирда ҳамкор ташкилотлардан бири GAVI вакили хорижлик мутахассис Ян Кастеляц ҳам лойиҳанинг самарали эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ушбу мақсаддаги лойиҳалар Сурхондарё вилояти, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида ҳаётга татбиқ этилгани муҳим ҳодисадир. Албатта ушбу эзгу ишларни амалга оширишда хорижлик ҳамкорлар ҳам фаол қатнашдилар.

Ўзбекистонда биринчи бор ишга туширилган утилизация, яъни зарарсизлантириш маркази Раҳматилла



Мирзаев бошчилигидаги “Баҳодир Боёвут Қурувчи” хусусий корхонасининг моҳир қурувчи-усталари томонидан амалга оширилди. Махсус ускуналарни келтирган италиялик Пьер Луиджи Баскучи лойиҳа ишлари аъло даражада бажарилганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, қурувчи-тадбиркор Раҳматилла Мирзаев — Халқаро муносабатларни кенгайтиришга, халқимиз учун мана шундай ижтимоий соҳа объектларини қурилишида бор кучимизни, маҳоратимизни аямаймиз биз билан суҳбатда— дея айтиб ўтди.

Фурқат ТОШМАТОВ

“ОЛДИМИЗДАН ОҚАЁТГАН ДАРЁЛАР” ТУРКУМИДАН

ЖАҲОНГАШТА ВА
КЎНГИЛГАШТА УСТОЗИМ

Ассалому алайкум, ҳурматли ўқувчим. Омонмисиз? Шу десангиз, халқимизнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам кизик-да. Бурни кўтарилиб қолибди, деган гапни эшитгансиз. Мен сизга айтсам, шу гап рост экан. Мана ўзимдан киёс, бир-икки эътирофга сазовор бўлгандим, бу бурун деганлари кўтарилиди-қолди. Минг бир уринишдан кейин бугун зўрға жойига туширдим. Буруннинг кўтарилиши бўлмайди экан. Бир томондан бўйиним ҳам оғриб турибди. Нега бурнинг кўтарилиди дейсизми? Негалиги шундаки, бугунгача ўндан зиёд мақола ёзибман-у, сиз азизларга ҳеч уялмай “Мана менинг зўр ишларим”, деб тақдим қилибман-у бирон марта салом бермабман. Сиз бўлсангиз, ёзганларимни ўқиб ўтирибсиз. Бор-е деб ўқимасангиз ҳам бўларди-ку, тўғрими? Лекин сиз ундай қилмаяпсиз. Шунинг учун ҳам сизни яхши кўраман. Дадам айтмоқчи, миям тушдан кейин бўлса ҳам ишлаб кетди. Шунинг учун бугун сўзларимни салом билан бошладим. Ва алайкум ассалом дейсизми? Мана саломлашиб ҳам олдик. Энди асосий мавзуга ўтамиз.

“Олдимиздан оқаётган дарёлар” туркумини ёзаётганимдан бери ўзимни дадил ҳис қиляпман. Бир томондан кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиляпти. Сабаби, ён-атрофимда шунчалар кўп яхши инсонларнинг, кадрли устозларнинг борлиги бахтимга бахт етаклаб келяпти. Бугун сизларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист устозимиз Холида опа Пардабоева ҳақларида ҳикоя қиламан.

2014 йил эди. Янги йил байрами арафасида “Камалак юлдузлари” бола-лар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи ўтказиладиган бўлди. Туманимиз номидан фестивалда қатнашиш учун аягинам билан шаҳарга йўл олдик. Ташкилотчилар бизни санъат мактаби ёнидаги коллежга олиб боришди. Ижодкорлар мана шу ерда синовдан ўтар экан. Синов хонасига кирсам, қирқка яқин болалар дафтар-дафтар шеърлари билан ўтиришибди. Улар қатори мен ҳам бир чеккадан ўрин олдим. Орадан бироз вақт ўтиб, бизни синовдан ўтказадиган ҳакамлар етиб келишди. Уларни кўриб бир ҳаяжоним минг бўлди, денг. Боз устига ҳакамлар иштирокчиларни бирма-бир ёнларига чақириб суҳбатлашадиган бўлишди. Мирзаобод туманининг навбати келганда секингина, оёқларим қалтираб-қалтираб устозлар томонга юрдим. Ҳаяжоннинг зўридан гапирадиган гапимни ҳам йўқотиб қўйдим. Шунда ҳакамлар орасидаги кўзойнакли бир устоз, “Болам, ҳаяжонланма. Қани, энг яхши кўрган шеърингдан биттасини ўқиб бер-чи”, деб қолдилар. Аввало, ўша устознинг болам деганлари, кейин ҳаяжонланма деб жилмайиб қўйганлари менга далда бўлди. Гарчи шу кунги фестивалда мағлубиятнинг аччиқ таъмини тотган бўлсам-да жилмайган устознинг киёфаси ҳаёлимни бир дам тарк этмади. Ўша инсон Холида опа Пардабоева эдилар.

Фестивалда ютқазганим учун янаги йил, албатта, ютаман деб ният қилдим. 2014 йилда қилган хатоларимни 2015 йилда тақдорламаслик учун ҳам ўз устимда ишлаш бошладим. Биринчи йил фестивалга борганимда устозларим тўрт-бешта шеъримни мактабимиздаги принтердан оқ-қора қилиб чиқариб беришганди. Қарасам, бошқа иштирокчилар ёстиқдай-ёстиқдай файлларни тўлдиришибди. Тагин ҳаммаси рангли чиқарилган, денг. Меники бўлса бир жойига сиёх етган, бир жойига етмай қолган ўнтача қоғоз эди холос. 2015 йилда фестивал олдидан шаҳарга бориб, ҳамма шеърларимни рангли қоғозларга чиқартириб келдим. Болалик экан-да. Ўхшамаган шеър бўлса ҳам рангли қоғозда турса, баҳоси баланд бўлади, деб ўйлаганман. Эҳҳе, ана шу қоғозларни чиқараман деб, дадамнинг қойиб берган, аямнинг яшириб

берган анчагина пуллари йўқ қилганман. Шундай қилиб, қаттиқ қуроллар – рангли қилиб чиқарилган бир кучок шеърлар билан 2015 йилда фестивалда яна иштирок этдим. Бу сафарги хайъат аъзоларига қарасам, ўша опа, ҳа-ҳа худди ўзлари, менга ўтган сафар қилиб қараган устоз яна ҳакамликка келибдилар. Ўзиям ҳакамлар орасида қариндошим бордай хурсанд бўлиб кетдим. Ижодий ишларимни кўраётган ана шу опа таниб қолдилар. “Ўтган йили ҳам келгандинг-а, болам”, деб сўрадилар. Шу онда каминани бир кўрсангиз эди. Бай-бай-бай. Сизни баҳоловчи ҳакамларнинг ўзлари таниб турса, айниқса, рақиблар олдида танишларини айтиб турса, шундай маза бўларканки, асти қўяверинг. Устозга жилмайиб, рақибларга зимдан мағрурона боқиб, “Ҳа” дедим. Устоз ҳам яна жилмайиб “Бу сафар яхши тайёрланганга ўхшайсан, қани ҳужжатларингни бер-чи”, дедилар. Қисқа савол-жавобдан сўнг бир шеър айтдим. Ҳакамлар маъқул, бора-вер дейишди. Тушдан кейин фестивалнинг тақдирлаш маросими бўлди. Тадбир олдидан Холида опа мени ёнларига чақирдилар. “Болам, шеърларини яхши. Асосийси, сенда ўсишни кўрдим. Ўтган йили йиғлаб кетгандинг, мана бу йил тайёргарлигинг яхши. Кўпроқ китоб ўқигин. “Сирдарё ҳақиқати”га ҳам келиб тур, хабарлар, кичик мақолалар ёзсанг, газетага берамиз. Йиғилишда голибликка сени тавсия қилдим. Асосий жавоблар ҳали чиқмади. Яхши ният қилиб туравер. Биласанми, сенга нега буларни айтяпман. Бу йил ҳам танловга келганинг, ўз устингда ишлаганинг учун. Кўп гувоҳи бўлганмиз, бундай танловларда ютқазганлар кейинчалик қатнашмай, ҳатто ижод қилмай қўяди. Аммо сен ундай қилмабсан. Шунга хурсанд бўлдим. Агар шундай давом этсанг, ҳали қатта марраларни забт этасан”, дедилар. Ҳакамлар сафидаги устознинг, қолаверса, вилоятимизнинг машҳур журналистларидан бирининг мен каби оддий, танимаган-билмаган кишлоқ боласига шу қадар қайғуришлари, маслаҳат беришлари етти ухлаб тугул, етмиш ухлаб ҳам тушимга кирмаганди. Хуллас, каминангиз шу кунги фестивалнинг вилоят босқичида голиб бўлди. Голибликдан ҳам Холида опа деган самимий, меҳрибон, оккўнгил устозлик бўлди.

Яна бир гап. Ўша пайтлари танловлар ҳақида сўз кетса, албатта, таниш-билишлик ҳақида ҳам алоҳида тўхталинар эди. Адашмасам, ҳозир ҳам шундай. Фарида Афрўз ёзгандай “Билгинки, голиблар таҳлил қилинмас”. Аммо мағлублар ҳамиша таҳлил билан банд бўлишади. “Ҳакамлар аввалдан гаплашилган бўлади”, “Ҳакамлар сотилади”, “Пули борлар ютади”... Эҳҳе, бундай гапларни тўпласангиз, ёстиқ тугул таҳмондаги кўрпаларнинг баридай қалин китоб бўлса керак. Хуллас, шу гаплар қулоғимга ўрнашиб қолгани учунми ё бошқами Холида опанинг меҳрибонликлари менга салгина ғалати туйилган. Ҳаттоки “Дадам менга билдирмай пул бериб қўйганмикан”, деб ўйлаганман-у ўша йили деҳқончилигимизнинг ўхшамагани, қолаверса, дадамнинг бундай қинғир-қийшиқликлардан йироқ инсон эканликлари эсимга тушиб, бу фикримдан қайтганман.

Азизим, юқоридаги хулосаларим шу кунгача менга жуда кўп жойларда асқотди. Бугун нима натижага эришган бўлсам, ўша натижалар замирида бу ҳақиқатларнинг ўрни қатта. Бундай хулосаларнинг дунёга келишида эса асосий меҳнатни Холида опа Пардабоева қилганлар. Шу-шу устоз билан яқин бўлиб кетдик. Айтганларидай газетага

кичик-кичик мақолалар ёзиб турдим. Ҳатто бир-икки машқларим “Сирдарё ҳақиқати” (ҳозирги “Янги Сирдарё”) газетасида эълон қилинди.

2017 йилда “Ифтихор”им нашрдан чиқди. Китобимга суюкли устозим Норинисо опа Қосимова муҳаррир бўлдилар. Кушнинг патидай китобчамдан биттасини кадрли устозим Холида опага совға қилганман. Биласизми? Бошқа ижодкорларда қандай билмадим-у менда бир одат бор. Кимгадир китоб совға қилсам, айниқса, ўша китоб ўзимники бўлса, совгани олган кишидан хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин фикр қутамаман. Ижобий фикр эшитсам, хурсанд бўламан. Салбий бўлса, бошида хафалик тугмасини босиб оламан-у кейин бу шаштирдан қайтиб, хатоларимни тузатишга киришаман. Аммо алам қиладиган жойи ҳамма ҳам фикр айтавермайди, шунчаки қутлаб, табриклаб қўяди. Ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Холида опага “Ифтихор”ни совға қилганимда жуда хурсанд бўлгандилар. Орадан бироз вақт ўтиб “Сирдарё ҳақиқати”да “Ёш ижодкор” номи билан мақола ҳам эълон қилгандилар. Мақолада устоз шеърларини ҳам олқишлаган, ҳам танбёх бергандилар. Мен олқишини ёзмай, ўзи шу кунларда жуда мактанчоқ бўлиб кетяпман. Яхшиси, танбёхли жойидан мисол келтирай. Устоз шундай ёзганлар: “Тўпламдаги битикларнинг барчаси ҳам шеърят талабига тўла жавоб беради деб бўлмайди. Ёркинжон эндигина шеърятнинг боғига қадам қўйди. Назм гулшанида гул узиш осон эмас. Ўйлаймизки, Ёркинжон Ҳайитбоев изланишда, ўқиб-ўрганишда давом этса, келгусида ўқувчиларга манзур бўладиган етук шеърлар битади...” Ҳа, яхшилар, Холида опанинг айтганлари чин экан. Назм гулшанида гул узиш у ёқда турсин, қадам ташлаш ҳам жуда қийин эканлигини укдим. Аммо бу қийинчиликнинг шираси осончиликнинг мазасидан мазалироқ экан...

Ўйлайманки, ёзганларимни зерикмайгина ўқияпсиз. Агар зерикиб қолсангиз, бир кунни кўришганимизда қулоғимдан қаттиқроқ чўзиб қўйинг. Тагин бир воқеани ёзмасам бўлмас. Хабарингиз бор, уялмай-нетмай баъзи устозларидан олдин мукофот олиб олган шарафга, шонга ўч ёшлардан бири камина ҳисобланади. На қилай, устозларимиз бизни тезроқ ўсишимизни, унишимизни, эътироф этилишимизни хоҳлайди. Шундай ҳазрати инсонлар бизнинг устозларимиз. Мукофотдан гап чиққан экан, буни айтмоғим қарз деб ўйлайман. “Мард ўғлон”га дастлабки йиллари ҳужжат тайёрлаб юрганымда фикрнома деган жойига келиб бошим деворга урилган. Тагин низомда соҳанинг етук мутахассислари талабгор ҳақида фикрнома бериши керак, деб алоҳида ёзиб қўйилган эди. Ана шунда минг хиёлатлик билан Холида опанинг ёнларига борганман. Ахир қатта журналист бўлсалар, мен каби оддийгина ўқувчи фикрнома берармидилар, деган ўй ўтган ҳаёлимдан. Бироқ бахтимга ўйларим хато бўлиб чиққан. Устоз ҳар доимгидек самимий қаршилаб, жуда қиройили фикрнома ёзиб берганлар. Ҳеч эсимдан чиқмайдди. Фикрнома ёзиб бўлингач устоз, “Болам, бош муҳаррирнинг имзоси ва таҳририятнинг муҳр бўлса, яхшироқ чиқади. Муҳарриримиз пастда эдилар, мен бориб имзолашиб чиқай”, дегандилар. Беихтиёр устозга эргашган эдим. Холида опа шунда учинчи қаватдан пастга тушиб, фикрномани “Сирдарё ҳақиқати”нинг бош муҳарририга ҳам кўрсатган эдилар. Ана энди ўзингиз айтинг-чи, кадрдон, сиз учун кимдир шундай жон қуйдириб турсаю ўзингиз



ҳаракат қилмасангиз, гуноҳ эмасми?

Холида опа нафақат яхши устоз, камтар инсон, ҳурмати ва ўрни юксак журналист, балки оналикни қойил қилган ОНА ҳам. Сабаби, бугун вилоятимизда Холида опанинг фарзандлари Умиджон акага кўпчилик ҳавас қилади. Айни дамда Канададаги университетларнинг бирида дарс бераётган Умиджон аканинг шарофати билан устозимиз дунё кезмокда. Холида опани яқинлари, дўстлари ва ҳамкасблари жаҳонгашта ижодкор сифатида биледи. Сабаби, устозимиз бир қарасангиз Канадада, бир қарасангиз Туркияда, бир қарасангиз Ҳиндистонда, яна бир қарасангиз бошқа давлатларда бўлади. Менимча, бундай саёҳатларни барча орзу қилса керак. Устознинг ана шундай саёҳатлар ҳосиласи бўлган “Дунё кезиб...” китоблари каминани ғоят қувонтирган, сеҳрли диёрлар томон ҳаёлан етаклаган асардир. Холида опа менга 2021 йилда нашр қилинган “Оналик бахти” китобларини ҳам совға қилгандилар. Умиджон ака билан боғлиқ кизикдан кизик воқеалар, айниқса, уларнинг Ҳиндистонда ўқиган даврларида ўша ерлик коллеж директоридан шундай фарзанд ўстирганлари учун раҳмат эшитганлари ҳақидаги бу китоб ҳар қандай ўқувчини сеҳрлайди. “Дунё кезиб...”да ҳам “Оналик бахти”дан қилишмайдиган гўзал мақолалар, хотиралар жамланган. Айниқса, устознинг муборак Умра амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига борганлари тўғрисидаги таассуротлари мени энг кўп таъсирлантирган ва ҳавас қилдирган мақола эди. Ишонасизми-йўқми, китобдаги шу мақолани ўқиб, ўша кунни кечкурун тушимда Умрага боргандим. “Тушда борган ўнгда ҳам боради”, дейди доно халқимиз. Илоҳим, бизга ҳам ота-оналаримиз билан ана шундай муқаддас жойларга бориш насиб қилсин.

Бугун Холида опам ҳақларида ёзиб, жўшгандан жўшиб кетяпман. Яхшилар ҳақида қанчалар ёзсам ҳам, уларнинг борида ўзларига яхши эканликларини тез-тез айтиб турсак ҳам бари бир кам. Устозим ҳамиша “Мен учун ёшларнинг, шогирдларимнинг ютуғи фарзандимнинг ютуғидек, балки ундан ҳам аъло-роқ туйилади. Бизни вақтида устозлар қўллаган, тўғри йўл кўрсатган. Энди ана шундай яхшиликларни ўсиб келаётган ёшларга қилишимиз, устозларимиз олдида ҳеч қачон узилмайдиган қарзларимизни адо этишимиз керак”, дейдилар. Ўйтаётган бўлсангиз, устоз “Қилдик, адо этдик эмас”, “Энди ҳам қилишимиз, адо этишимиз керак”, деяптилар. Тўғриси, мана шу сўзларнинг ўзидан ҳам устознинг қанчалар шогирдпарвар, камтарин инсон эканликларини билишимиз мумкин. Ниятим, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг мактабидан таълим олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист устозимиз Холида опа биз ёшларга ҳаёт ва ижод илмида сабоқ беришдан сира қарчамасинлар.

Ёркинжон ҲАЙИТБОЕВ



Aholini ro'yxatga olish ko'rib chiqilmoqda

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida 2022-yilda aholini ro'yxatga olishni o'tkazish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmoniga muvofiq, respublikamizda aholini ro'yxatga olish tadbirini 2022-yilda o'tkazish belgilangan edi. 2020-yil 16-martda "Aholini ro'yxatga olish to'g'risida"gi qonun qabul qilindi.

2020-yilda boshlangan koronavirus pandemiyasi sababli ushbu tadbirni o'tkazish 2023-yilga ko'chirildi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasida 2023-yilda aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga ko'ra, respublikada aholini ro'yxatga olish ishlari 2023-yilning 1–25-noyabrida o'tkazilishi belgilangan.

Aholini ro'yxatga olishga puxta tayyorgarlik ko'rish maqsadida sohani tartibga soluvchi barcha normativ-huquqiy va uslubiy hujjatlar

hamda ro'yxatga olish savolnomalari shakllari ishlab chiqildi, aholini ro'yxatga olishning maxsus veb-sayti (aholi.stat.uz) joriy qilindi, tadbirning logotipi va shiori ("Yangi O'zbekistonning bir qismi bo'li!") tayyorlandi, aholini ro'yxatga olishning birlamchi ma'lumotlarini yig'ish, qayta ishlash, tahlil qilish va natijalarini shakllantirish imkonini beruvchi "Aholini ro'yxatga olish" axborot tizimi ishlab chiqildi. Shuningdek, respublikamizdagi barcha mahallalarning sxematik xaritalari yangilanib, aholi yashaydigan turar va noturar joylar ro'yxati tuzib chiqildi.

Ushbu tadbirni o'tkazish bilan bog'liq moliyaviy xarajatlar o'rganib chiqilayotganligini inobatga olib, yakuniy qaror qabul qilingandan so'ng Agentlik tomonidan qo'shimcha axborot berilishini ma'lum qilamiz.

B.HAMIDOV,
viloyat statistika boshqarmasi
yetakchi mutaxassisi.

УДДАБУРОН ФИРИБГАР

Хар биримиз касб танлар эканмиз унинг ортида масъулият ва машаққат билан бирга шараф-фиidoйилик борлигини биламиз. Оқ либос эса бу инсон тақдири билан боғлиқ муҳим соҳа саналади. Тиббиёт ходими у шифокор бўлсин, хамшира бўлсин хато қилишга ҳаққи йўқ. Аслида бу соҳа вакили бўлиш учун маълум билим ва тажриба ўтказилади. Узоқ изланиш ва махсус синовлардан сўнг мутахассис ишга қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали ходими бўлиш учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирининг бўйруғи асосида марказга бўш иш ўринларига ходимлар саралаб олинади.

Мавзунини узоқдан олиб келишимизнинг моҳияти ҳам аслида шу. Бугун халқимиз орасида турли соҳаларга ишга жойлаштириш бўйича турлича фикрлар мавжуд. Бироқ маълум имтихон ва низомда кўрсатилган қоидалардан сўнг ишга қабул қилиш ходим билан шартнома асосида йўлга қўйилади.

Айрим қўштирноқ ичидаги уддабурунлар эса ҳеч бир соҳага яқинлиги бўлмаслигидан қатъий назар бир қоп ваъдалар билан кишилар ишончига кириб осон ва тез фирибгарлик йўли билан даромад қилишни кўзлашмоқда.

Фукаро (исми шарифлар шартли ўзгартирилди) Э. У. ҳам ўзи банк ходими бўлишига қарамай, таниши А.ни дугонаси М.ни шошилич тез тиббий ёрдамга ишга киргиздириб қўйиш эвазига 800 АҚШ доллари сўради.

Ҳеч бир қафолатсиз ушбу суммани келтирса ишга кириши мумкинлигини айтди. Буни қарангки, ўзаро ҳамтовоғи Э. С. билан кўнғироклашиб пулни олишга келишиб олишди.

Баъзида киши ўйланиб қолсан, шунчалар осонми кимнидир алдаш. Фирибгар учун эса бунинг аҳамияти йўқ.

Алдаётган инсони аёл киши бўлса унданда яхшироқ. Пулни олади-я жуфтакни ростлайди. Кишиларга ҳам ҳайрон қолсан. Танимаган ва билмаган инсонларига ишонишади. Бир сўз билан айтганда нопок ишнинг якуни ҳам хунук бўлади.

Гулистон шаҳар "Саховат" савдо

мажмуаси олдида ўзаро кўришиб, иш ваъда қилган шоввозлар пулни оламузу-қочамиз деб ўйлашган эди. Аммо ҳаммаси чиппака чиқди. Ўтказилган тезкор тadbирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан келишилган маблағларни олган вақтида қўлга олинди.

Мамлакатимизда тизимларда кенг ўзгаришлар ва ислохотлар олиб борил-



моқда, бироқ ханузгача кишилар орасида пора бериш йўли билан ишларни ҳал қилиш давом этмоқда.

Натижа эса барчага аён суд ҳукмига кўра фукаро Э. У.га 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди, Э. С.га ш ҳақининг 20% давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш ҳамда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шу муддат ичида ушбу фукаролар оммавий тadbирларда иштирок этмайди, назорат қилувчи органлар розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда соат 22.00 дан 6.00 га қадар ўз яшаш жойидан чиқмасликлари белгиланди. Бу чекловлар бузган тақдирда уларга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроғига алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Хулоса шуни кўрсатадики, қилаётган ишларимиз ҳар бир сўзимизни уйлаб мулоҳаза қилишимиз лозим. Қонунни четлаб ўтиб иш қилишлик, бир кун келиб пушаймон бўлиб қолиши муқаррар.

Зеро, мамлакатимизда ҳар бир фукаро қонун ҳимоясидадир.

Р.ХУРРАМОВ,
Сирдарё туман прокуратураси
терговчиси.

USTOZLARIMIZDAN IBRAT OLDIK

Ayni kunlarda jonajon Vatanimiz bo'ylab "Yashil makon" umummilliy harakatining nafasi kezib yuribdi. Qayerga qaramaylik kattalar ko'chat ekayotgan, daraxtlarni parvarishlayotgan bo'lishadi. Albatta, bular biz o'quvchilar uchun ibrat maktabi vazifasini o'taydi. Chunki ona tabiatimizni asrash har birimizning burchimiz, eng dolzarb vazifamiz hisoblanadi.

Bobomlar "Yerni sevsang, yer ham seni sevadi. Bitta ko'chat eksang, o'sha ko'chat katta daraxt bo'lsa, qanchadan-qancha insonlar undan foydalanib seni duo qiladi", - deyдилar. Biz ham oilamiz bilan daraxt ekishni yaxshi ko'ramiz. Qishloqda yashaganimiz uchun bo'lsa kerak, bu yerdagi odamlar hashamatli uy qurishga emas, bog'ini, hovlisini chiroyli qilishga harakat qiladi. Axir mehmon kelib qolgudek bo'lsa ham birinchi navbatda hovlingizga, hovlingizdagi ko'chatlarga qaraydi-da.

Maktabimiz ustozlari ham yaqinda savobli ishga bel bog'lashdi. Maktabimiz hovlisiga o'z qo'llari bilan ko'chatlar ekishdi. To'g'risi, har kuni sizga nimadir o'rgatish uchun kuyib-yonadigan insonlaringizni maktabga – ikkinchi uylariga ko'chat ekayotganlarini ko'rish ajoyib

bo'lar ekan. Masalan, men ulardan anchagina ibrat oldim. Nega? Chunki ustozlarimiz o'zlari ishlamasdan yuqori sinf o'quvchilariga shanbalik e'lon qilishsa ham bo'lardi-ku. Yo'q, ular bunday qilishmadi. Ko'chatlarni o'zlari ekishdi va bu ishlari bilan juda ko'p o'quvchilarning qalbida ko'chat ekishga ishtiyoq uyg'otishdi.

Shu kuni uyga kela solib, bobom bilan buvimga "Biz ham ko'chat ekaylik", dedim. Nega deganda maktabdagi ustozlarimiz kabi bo'lishni juda xohlagan edim. Oilamiz bilan biz ham xuddi ustozlarimiz kabi ko'chat ekdik. Qanday yaxshiya. Ko'chat ekyapman-u xayolimda ellik yillardan keyin shu daraxtning soyasida o'tirgan insonlarning duo qilayotganlari gavdalanadi. Ha, biz ham xalqimizning sevimli maqoliga amal qilib, yaxshi inson bo'lib, o'zimizdan bog' qoldirishga harakat qilishimiz kerak.

Bizga ibrat namunasi bo'lgan ustozlarimizga alohida rahmat aytaman!

E'zozxon XOLMO'MINOVA,
Mirzaobod tumanidagi
15-maktabning
11-sinf o'quvchisi, "Tong
yulduzi" to'garagi a'zosi

ЭЛЕКТР ЎҒРИЛАРИ

Хаётимизни электр энергиясисиз тасаввур эта олмаймиз. Чирокнинг маълум муддат уйимизда бўлмаслиги барча режаларимизга таъсир кўрсатади. Ҳозирда электр энергияси тизимида тўлов тизими онлайн жорий қилинган. Бу эса фукароларимизни овора бўлмасликларига сабаб бўлди. Соҳа ходимларининг ишлари тизимли йўлга қўйилди. Бирок ҳар ишни уддасидан чиқаётган айрим қўштирноқ ичидаги ишбилармонлар ишлатилган энергияни ўчириш ёхуд камайитиришни исташади.

Фукаролар (исми шарифлар шартли ўзгартирилди) Б. С. ва Н. Тлар ҳам осонгина қарздорликни йўқ қилиш режасини тузишди. Бир қанча муддат ноқонуний электр энергиясидан фойдаланиб келаётган МЧЖ раҳбари қорхонасидаги 200 миллион сўм қарздорликни осонгина ёпишни ўйлади. Таниши Б.ни меҳмонга чақириб, ўзини қатта қарз устида эканлигидан шикоят қилиб, ёрдам сўради. Табиийки, Б. С. танишлари борлигини бу суммани камайитириб, қайта ҳисоблатиб беришини айтди.

Режа иш беришига ишонган бу фукаролар давлат мулкани талон-тарож қилиш эвазига ишлари ҳал бўлаётганларига ҳам парво қилмади. Танишим деган фукаро Сирдарё туман электр таъминоти қорхонаси раҳбарига мурожаат қилиб хуфёна учрашув белгилади.

У билан туман ҳокимияти биноси ёнида кўришга келишиб, 2200 АҚШ доллари ҳамда 9700000 сўм пулларни бераётганида Департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тadbирда қўлга олинди. Буни қарангки, 207 миллион қарздорликни режа бўйича 35 миллион сўмга қайта ҳисоблаб йўқ қилиш режалари амалга ошмади.

Инсон йўлидан адашар экан албатта бунинг жабрини жазо билан тўлаб беради. Бир фикр юритиб кўринг юртимизда минглаб қорхоналар, МЧЖлар ва муассасалар мавжуд. Ҳар бир йўналиш ва фирмалар ўз фойдалари дея давлат мулкани талон-тарож қилса жабрини халқимиз чекади, албатта. Халқ эса бу сиз ва бу мен, бу-биздир.



Шундай экан, доно халқимизда бир нақл бор. Халқ мулкига кўз олайтирган, албатта чўкиб кетади.

Суд суриштирув ва тергов ҳаракатларидан сўнг адолатли қарорини қабул қилди. Фукаро Б. С.га 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси Фукаро Н. Т.га эса осонгина қарздорликни йўқ қилиш режасини тузгани ҳамда пора бергани учун айбдор деб топилди ва 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Пора бериш, пора беришда воситачилик қилиш ҳамда пора олиш билан боғлиқ жиноятлар юртимизда камайишига эришилмоқда. Ўзбекистон фукароси Республикамизда жорий қилинган конституциямизга амал қилмас экан. Албатта у қайси лавозим ёхуд соҳа эгаси бўлмасин қонун устивор ва жазо белгиланиши муқаррардир. Зеро, қонун барча учун баробардир.

Ж.ҚАЮМОВ

АВТОПОРТРЕТ

Менинг зоҳиримда телбалик йўқдир,
Тинч оққан уммонман, дайро ичимда.
Шоирман, мажнунлик этмасман даъво
Ки Мажнун ичимда, Лайло ичимда.

Ўзимдан ичкари кетган бир йўлман,
Ошкор фарёд солмам, ғавго ичимда.
Ўз руҳимга чўкиб ётган кажкулман,
Пир деб юкинганим мавло ичимда.

Руҳимда айланар чайир тасбеҳим,
Билмаслар, не улуғ такво ичимда.
Менинг буюклардан йўқдир танишим,
Шоҳ ҳам ичимдадир, гадо ичимда.

Одамман, бегона эмасдир лойим,
Халқ ҳам ичимдадир, аркон ичимда.
Ичимда Ҳалложга қурилган дорим,
Исёндан ўрилган аркон ичимда.



Ошиқман, руҳимда кизиган савдо,
Ишқман, бир зарраси сиртимда йўқдир.
Бўғзимда бир қашқир айлар тавалло,
Вале қашқир исми исминда йўқдир.

Зикрим ичимдадир, ичимда тавбам,
Жандам кўринмайдир, ридо ичимда.
Менинг кўнгил деган жойдадир Каъбам,
Кўкдан изламасман, Худо ичимда!

КУЗ ИЛЛЮЗИЯСИ

Ногаҳон борлиққа ўт кўяр Оллоҳ,
Ногоҳ либосларин еча бошлар куз.
Оллоҳим, бу куздан паноҳ бер, паноҳ,
Сен уни либосиз қолдирма ҳаргиз.

Қолдирма, номаҳрам ташламасин кўз,
Ўғринча нигоҳлар боқмасин хиёл.
Дунёнинг энг маънос сувратидир куз,
Дунёнинг энг гўзал шаклидир аёл.

ҚИЧҚИРИҚ

Жим-м-м!!!
Ранглар қичқирмоқда,
Қичқирмоқда хазонлар...

Нима, ҳали ҳам ишонмадингизми –
Кузнинг шоир эканлигига?!

ВАН ГОГ ПОРТРЕТИ

Кўзлар олов, сочлар аланга,
Иблис банди нигоҳ қаърида.
Кўксидаги ул қонли яра
Ўхшар голланд лолаларига.



У рангларни севди аёлни
Севган каби, дедилар: мажнун.
Бир қулоғин кесди, дунёни
Кўзлар билан тингламоқ учун!

КУЗ МАРСИЯСИ

Қандай гўзал ўлар мажнунтол,
Кўкка боқиб жон берар терак.
Гулим, Ҳаққа етишмоқ дарсин
Дарахтлардан ўрганмоқ керак.



Қисмат кўшиқ қуйлаган мағрур
Япроқларнинг совургай қулин.
Гулим, кара, нақадар гўзал –
Уйғонишдан олдинги ўлим!

ХУРРИЯТ ҚЎШИҒИ

Нечун бу кўшиқнинг сўзлари йўқдир,
Нечун бу кўшиқнинг қуйлари йўқдир,
Нечун бу кўшиқнинг овози йўқдир?...
Аммо сенинг кўзларингга боқиб

Бу кўшиқнинг сўзларини ўқидим,
Қуйларини тингладим,
Овозини эшитдим...
Ватаним!

ТИЛИМ

Кўхна «Гилгамиш»да қуйланган тилим,
Имлосида минг бор турланган тилим.
Бир йилда бир бора бошингда байрам,
Кейин эса минг бор ҳўрланган тилим!

Қани, исминг ёзсам диллавлаларга,
Қани, расо бўлсанг йўллавлаларда.
Бир йилда бир бора сени эсларлар,
Мен боқиб йиғларман пешлавлаларга!

Кўрганман сени деб чиққан халқимни,
Бошида калтаклар синган халқимни.
Бугун шу халқимга боқиб йиғларман,
Дейман, кўрмадингми менинг халқимни?!

Йиғладим, тарихинг кўриб йиғладим,
Бошимни деворга уриб йиғладим.
Дедим, кўзларингга, айт, ким мил тортди,
Саводли эдинг-ку, ахир, миллатим?!

Сен яна ҳайқирган кунни кўрсайдим,
Овозинг сас берган кунни кўрсайдим.
Болаларинг салом бериб дунёга,
Ўзбекча дарс берган кунни кўрсайдим!

Кўхна «Гилгамиш»да қуйланган тилим,
Имлосида минг бор турланган тилим.
Ким сени унутган бўлса, кечирма,
Кечирма ҳеч қачон, эй она тилим!

ОНАМ ВА ЁМҒИР

Ёмғир ёғар эди... дилгир мусика
Замин узра аста таралар эди.
Ўттиз йил нарида болалик чоғим
Онам мени шундай аллалар эди.

Ёмғир ёғар эди... инжа торлари
Заминни оҳиста савалар эди.
Ўттиз йил нарида гар «гуноҳ» қилсам,
Онам мени шундай «савалар» эди.



Ёмғир ёғар эди... нозик қўллари
Майсаларни аста уйғотар эди.
Ўттиз йил нарида агар йиғласам,
Онам мени шундай юпатар эди...

Ох, ёмғир! Сенинг шивирлашларингни
Тинглаб ётдим бугун ором уйкуда.
Кечир, онажоним, аллалашларингни,
«Савалашларинг»ни,
Юпатишларингни...
Соғиндим жуда!

ҲАЁТ

Севгилим,
Кўзларинг ичидаги одамдан сўра,
Ҳаёт нима деб.
Агар шу ҳаёт бўлса,
Кўзларинг ичида юриб кетмоқдаман
мангулик томон...

ДАЪВАТ

Ҳақсизликка мудом терс юриш
Бошлар фақат ўчқор шоирлар.
Қўйдай ювош келса эл-улус,
Жарга учгай қўчқор шоирлар.



Олдимда жар, ортимда жарлик,
Оч бўридай чанг солар иллат.
Омон қолай десанг, эй халқим,
Кўзларинг оч, миллат бўл, миллат!

•Назм дафтаридан



Насрулло ЭРГАШ

* * *

Сарғайган япроқлар аста сўзлашар,
Сўзлар айрилиқдан, висолдан бари.
Инсон яшагани сари кузлашар,
Кузак гўзаллашар қариган сари.

Не бахтки, кузак-ла инсон юзлашар,
Инсон-ла юзлашар англамоқ фасли.
Яшаганинг сари кўзлар тундлашар,
Кўнгил теранлашар яшаган сари.



Буюк фидоликда адо бўлар куз,
Ў онангга ўхшар – бетимсол аёл.
Юзларини сила, қўлларидан ўп,
Онанг ажинлари қанчалар ҳалол!

Япроқлар узилиб пойингга тушар,
О, қанчалар буюк яшамок дарси!
Инсон яшагани сари кузлашар,
Кузак гўзаллашар қариган сари.

* * *

Бирдан совуқ тушди кузнинг ўртаси,
Дафъатан изғирин кўтарди елкан,
Ногаҳон етгандай ҳижрон кечаси,
Йиғлаб хайрлашдим ўктабр билан.



Бир ғам юрагимни ногоҳ ўртади,
Бир дард япроқ каби қўнди кўксимга.
Кетаётган эдим бирдан тўхтадим,
Илкис назар солдим ўтган умримга.

Сарҳисоб этаркан ўтган лаҳзамни,
Ўтмаган ҳар лаҳза ғамини едим.
Тангрим, Сен томонга юрган бандангни
Манзилга етмасдан олмагин, дедим!

* * *

Мен бир абобилман, тумшуғимда сув,
Мазлумлар қошига шошилган қушман.
Мен озод кўшиқлар айтган Бсису,
Озодликни севган Махмуд Дарвешман.

Мен далли Машрабман, бўйнимдадир дор,
Лорканинг тўкилган қонида ҳам мен.
Озодликни севган жонидан, аммо
Озод бўлмаганлар ёнидаман мен!

* * *

Биз – битта китобнинг жуфт варақлари:
Бири сен,
Бири мен.
Бири сен,
Бири мен...